



Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ", - денг, Мен сизга Қиёмат кунда гувоҳ бўлай

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиларига: "Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ", - денг, Мен сизга Қиёмат кунда гувоҳ бўлай!", - дедилар. Шунда амакилари: "Қурайш қабиласидагилар: "Қўрқув уни шундай дейишга мажбурлади", - деб айблашмаганида, сизни, бу калимани айтиш ила хурсанд қилган бўлар эдим", - деб жавоб берди. Ўшанда Аллоҳ таоло: «Дарҳақиқат, Сиз хоҳлаган кимсангизни ҳидоят қила олмайсиз. Бироқ, Аллоҳ, хоҳлаган кимсасини ҳидоят қилур!», оятини нозил қилди. (Қосос: 56)

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлим тўшагида ётган амакиси Абу Толибдан Қиёмат кун мусулмон бўлганига гувоҳлик беришлари учун "Ла илаҳа иллаллоҳ" (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) калимасини талаффуз қилишни талаб қилдилар. Бироқ, Абу Толиб Қурайш қабиласининг ҳақоратлаши ва уни иродасизлиги ва ўлимдан қўрққани учун мусулмон бўлганини айтиб юришларидан қўрқиб калимаи шаҳодатни талаффуз қилмади ва агар шу ҳолат бўлмаса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни талаффуз қилиш билан орзусини рўёбга чиқариши ва хурсанд қилиши мумкинлигини айтди. Ўша пайтда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларни мусулмон қилишга қодир эмаслиги, балки, одамларга очиқлама ва кўрсатмалар билан Равон йўлни кўрсата олишини ҳамда, фақатгина Аллоҳ таологина мусулмон қилишга қодир эканига далолат қиладиган оятни нозил қилди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65069>

